

## WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF BUDGET POLICY

**Sarimov Shahbozali Soatali oglu**  
Tashkent State University of Economics  
Master's degree in Public Finance Management

**Abstract:** It is known that from the first years of independence of Uzbekistan, creative work has been carried out in all spheres to increase the economic power of our country and the well-being of our people. Thanks to these efforts, today our country has embarked on a path of sustainable economic development, the emergence of a stratum of the population, due to which the income of families is steadily increasing, and the country's reputation in the world community is growing. The basis of these changes is consistent reforms, the steady growth of production and services in all sectors of the economy.

### БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Саримов Шахбозали Соатали ўғли**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Давлат молиясини бошқариш йўналиши магистранти

Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, давлатимиз иқтисодий қудратини ошириш, ҳалқимиз ҳаётини фаровон қилиш учун ҳамма соҳаларда яратувчилик ишлари амалга оширилаяпти. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли бугун мамлакатимиз барқарор иқтисодий ривожланиш йўлига ўтди, аҳоли ичидан мулкорлар қатлами пайдо бўлди, шулар туфайли оиласалар даромади мунтазам равишда кўпаймоқда, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Ушбу ўзгаришлар асосини изчил ислоҳотлар, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишнинг бир текисда барқарор ўсиши ташкил этади.

Хусусан, давлат раҳбарининг “Олий Мажлисга Мурожаатномаси”да соглиқни сақлаш ва таълим тизимида катта ислоҳотлар, биринчи навбатда давлат бюджетидан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш зарурияти туғилмоқда. Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва давлат бюджети маблағларидан манзилли ва мақсадли фойдаланиш мақсадида бюджет ижросига ғазначилик тизими жорий этилди. Бюджет муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-хуқуқий асослари такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси қабул қилинди. Бюджет кодексига бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш тамоили киритилди.

Ўзбекистоннинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясини амалга ошириш борасида қабул қилинаётган давлат дастурларида давлат бюджети шаффоғлигини ва турли даражадаги бюджет бўғинлари молиявий барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигига эришиш каби ўта муҳим вазифалар белгиланмоқда.

Солиқ тизими иқтисодиётнинг ажralmas қисми бўлиб, мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим механизм сифатида намоён бўлади.

Солиқ тизимида ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, солиқ ислоҳотларини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қуидаги камчилик ва муаммолар мавжуд:

**биринчидан**, солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш принциплари эскирган бўлиб, солиқ тўловчиларга комплекс хизматлар кўрсатишни, шунингдек улар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарилишини таъминламаяпти;

**иккинчидан**, солиқ мажбуриятларини бажаришда маъмурий харажатлар (сарфланадиган вақт ва маблағ) даражаси юқори бўлиб қолмоқда;

Ушбу муаммоларни бартараф этишда Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, Солиқ хизмати ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги кўрсаткичларидан (КРІ) келиб чиқсан ҳолда уларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш, солиқ органлари ходимлари мотивациясини мустаҳкамлаш, солиқ маъмуриятчилиги жараёнини автоматлаштириш зарур.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, агар юқоридаги муаммолар самарали бартараф этилса, бюджетлаштириш борасида хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ўрта муддатли молиявий режани шакллантириш, кўп йиллик ёки ўрта муддатли молиявий стратегия ишлаб чиқиб, бюджет жараённи мобайнида даромадлар ва харажатлар бўйича кўп йиллик баҳолар (прогнозлар)ни тайёрлаш, кўп йиллик молиявий режа кўрсаткичларини бир йилдан сўнг олдинга “силжитиш” ёки “ўтказиш” методологиясини ишлаб чиқиб, кўп йиллик бюджетни шакллантириш ва қабул қилиш жараённида қонунчилик органларининг ролини белгилаш, солиқларнинг ундирилиш даражаси ошишига, солиқ идоралари ўртасида хужжатларнинг айланиши камаятиришга, ижро интизоми ошишига, кадрларнинг қўнимсизлиги бартараф этишга ва кадрлар билан таъминланганлик даражаси яхшиланишига, солиқ органлари ходимлари томонидан хуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари бартараф этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон қарори.
2. Жабборов А.А., Пардаев У.У., Исламкулов А.Х. «Бюджет, солиқ ва пенсия тизимларида акселератор механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги I Республика молиячилар форумининг мақолалар тўплами. 2019 йил 12 декабрь.